

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АКРАМОВА НОЗИМА АКРАМОВНА**

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ СУЯКЛАРИ ТРАВМАТИК  
ШИКАСТЛАНИШНИНГ НУР ТАШХИСИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)**

**Акратова Нозима Акратовна**

Юз-жағ соҳаси суяклари травматик

шикасталанишнинг нур ташхиси..... 3

**Акратова Нозима Акратовна**

Лучевая диагностика травматических

повреждений костей челюстно-лицевой области..... 21

**Akratova Nozima Akratovna**

Radiology of maxillofacial region

bones fractures..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works ..... 42

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ОНКОЛОГИЯ ВА  
РАДИОЛОГИЯ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.04.12.2018.Tib.77.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**АКРАМОВА НОЗИМА АКРАМОВНА**

**ЮЗ-ЖАҒ СОҲАСИ СУЯКЛАРИ ТРАВМАТИК  
ШИКАСТЛАНИШНИНГ НУР ТАШХИСИ**

**14.00.19 – Клиник радиология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2019**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.PhD/Tib359 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) ва «Ziyonet» ахборот-таълим порталининг ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) манзилларига жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ходжибеков Марат Худайкулович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Икрамов Адхам Ильхамович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор <b>Амануллаев Рустам Азимжанович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Самарканд давлат тиббиёт институти</b>

Диссертация ҳимояси Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги DSc. 04.12.2018.Tib.77.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@ronc.uz](mailto:info@ronc.uz)).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри Фаробий кўчаси 383-уй. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: [info@ronc.uz](mailto:info@ronc.uz).

Диссертация автореферати 2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ куни тарқатилди.  
(2019 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**М.Н. Тилляшайхов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**А.А. Адилходжаев**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**А.Н. Абдихакимов**  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
кошидаги Илмий семинар раиси ўринбосари,  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

## КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда турли хил шикастланиш натижасида келиб чиқадиган жароҳатланишлар сони кун сайин ортиб бормоқда. Бу борада юз-жағ соҳаси (ЮЖС) жароҳатлари доимий равишда ўсиш мойиллиги билан замонавий жароҳатлар тузилмасида етакчи ўринлардан бирини эгаллаб туради. Соҳанинг етакчи муаллифларнинг келтирилган маълумотларига кўра «...юз-жағ соҳаси жароҳатлари энг юқори кўрсаткичи эркаларда учраши билан (76,5-85,7%) меҳнатга яроқли ёшдаги шахсларга тўғри келиши, клиник текшув юз скелети билан бирга орбита тузилмаси жароҳатларида суяклар шикастланиш тавсифи ва ҳажми ҳақида фақат эҳтимолли тасаввур қилиш имконини беришига.....»<sup>1</sup> асосланган. Бундан беморларда рентгенография, сонография ва компьютер томографияларидан фойдаланганда, нурли ташхис босқичи қанчалик муҳим эканлиги изоҳланди. Турли жароҳатланишларда нурли ташхислашнинг вазифаси «...клиник ташхисни аниқлаштириш ёки верификациялаш, касаллик башоратлаш, оптимал даволаш тактикасини ишлаб чиқишнинг муҳим ташхисловчи омили ҳисобланади...»<sup>2</sup>. Мультипланар реконструкция билан мультиспирал компьютер томография кўш жароҳатларда суяк тузилмалари ва юмшоқ тўқималарнинг батафсил баҳолаш имконини беришига қарамай, чекланган фойдаланиш имкони ва нисбатан юқори нурланиш дозаси ҳар доим ҳам мультиспирал компьютер томографиядан динамик назоратда фойдаланиш имконини бермайди. Орбиталар, жағ ёйлари ва бурун суяқларини кўшиб, юзнинг ўрта ва пастки соҳалари травматик жароҳатларида, айниқса юзнинг ўрта соҳаси жароҳатларида ҳозирда танлаш усули ва «олтин стандарт» бўлиб МСКТ ҳисобланади. Бош ва бўйин соҳасида патологик жараёнларининг ташхиси учун ультрасонография қўлланилади, аммо травматик жароҳатларнинг ташхисотида ультрасонографиянинг ўрни юмшоқ тўқималарни текшируви билан чекланган. Суяқларининг синишлари ташхисида сонографиядан муваффақиятли фойдаланиш тўғрисида айрим хабарларга қарамай, реал вақтда бир неча марта ишлатиш имконлари билан ушбу ноинвазив, ҳаммабоп методнинг салоҳиятидан ЮЖС жароҳатларида етарлича даражада фойдаланилмайди.

Жаҳонда юз-жағ соҳаси суяқлари травматик шикастланишнинг нур ташхисини такомиллаштиришга қаратилган тадбирларни юқори самарадорликка эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Юз-жағ соҳаси суяқлари синиши структурасини ва қўлланиладиган нур текишируви усулларининг асослаш, МСКТ маълумотлари билан солиштириш асосида юз-жағ соҳаси суяқлари синган беморларни текширишнинг базавий методи сифатида рентгенографиянинг ва

<sup>1</sup>Дубровин Д.М.Н.,Копецкий Д.М.Н., Полунин В.С. Медико-социальная характеристика больных с повреждениями челюстно-лицевой области. Вестник Росздрава. 2013. № 2. С. 46-48.

<sup>2</sup> Cabalag MS, Wasiak J, Andrew NE, Tang J1, Kirby JC1, Morgan DJ. Epidemiology and management of maxillo-facial fractures in an Australian trauma centre. J. Plast Reconstr Aesthet Surg. 2013

сонографиянинг диагностик самарадорлигини баҳолашдан иборат. Репозиция самарадорлиги ва синишлар битишини баҳолашда сонографиянинг ўрнини асослаш, турли локализацияга эга юз-жағ суяклари жароҳатларида нур текширув усулларини қўллаш алгоритминини ишлаб чиқиш аҳамиятини баҳолаш алоҳида аҳамият касб этади.

Мамлакатимиз тиббиёт соҳасини ривожлантириш тиббий тизимни замонавий асбоб-ускуналари билан бойитиши, турли хил хавфли касалликларни ташхислаш ва даволаш мақсадида соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисидаги фармонда мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб–қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш<sup>3</sup> каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалар аҳоли орасида юз-жағ соҳаси турли жароҳатланишларини ташхислаш ва даволашда замонавий тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтариш ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишда замонавий технологияларни қўллашни такомиллаштириш алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590–сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора–тадбирлар тўғрисида»ги фармонлари, 2017 йил 4 апрелдаги ПҚ–2866–сон «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071–сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бир қатор муаллифлар (Кузнецов А.А., 2015, Eskitaşcıoğlu Т, 2013; Амро А., 2012) томонидан юз-

---

<sup>3</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони

жағ соҳаси жароҳатлари нурли ташхиси турли методларининг диагностик қийматини аниқлашга, ушбу беморларнинг нур текшируви ҳажми ва кетма-кетлигини аниқлашга қаратилган тадқиқотлар ўтказилди. Ҳаммабоп замонавий нур ташхиси усулларининг сони етарлича даражада эканлигини ҳисобга олиб, юз-жағ соҳаси травматик жароҳатлари ташхиси учун комплексли ёндашиш мақсадга энг мувофиқ деб ҳисобланади, бу эса ташхиснинг ахборотлилик даражасини оширади (Singh K.S., 2014, Sreeram M.P., 2016) Нур текширув усулларнинг замонавий арсенали етарлича даражада кенг, ушбу усулларнинг ҳар бири бир-бирини ўзаро тўлдиради, лекин бу улар ҳаммаси комплексда ишлатилиши керак дегани эмас. Анъанавий рентгенография, сонография ва компьютер томографиялардан фойдаланган ҳолда, юз-жағ соҳаси жароҳатлари комплексли нур ташхиси жараённинг хусусияти ва тарқалганлигини, бош мия, орбита ва юмшоқ тўқималар тузилмалари манфаатдорлигини белгилаш, бўлажак операция ҳажмини аниқлаштириш, шунингдек реабилитация босқичларида касалликнинг кечиши динамикасини баҳолаш имкониятини бериб, анъанавий текширув самарадорлигини сезиларли даражада оширади (Rahul P., 2016). Лекин комплекс нур ташхиси арсеналида сонографик текширувнинг ўрни охиригача ўрганилмаган. Ҳозирги вақтда юмшоқ тўқималар ҳолатини баҳолашда эхографик текширувнинг юқори диагностик ахборотлилиги шубҳа тўғдирмайди (Kodali R.M., 2014). Исботланганки, юзнинг ўрта соҳаси суяклари жароҳатларида сонография орбита тузилмаси жароҳатларини ташхислашда қўшимча муҳим усул ҳисобланади (Singh K.S., 2014). Шунга қарамай, ушбу метод ЮЖС жароҳатларида кенг эътироф этилишга сазовор бўлмади, гарчи айрим муаллифлар томонидан ультратовушли текширув юз-жағ соҳаси суякларининг: бурун суяклари (In Sook Lee, 2012) пешона бўшлиғи олд девори (Adeyemo W.L., 2011) ва жағ ёйининг (Sanjay Kumar R.C., 2016) турли синишларини аниқлашда юқори сезувчанликка эга эканлиги кўрсатилган. Шунинг учун юз-жағ соҳаси паталогияси ва жароҳатларни тадқиқ қилишда сонографиянинг салоҳияти, фикримизга кўра, ҳали тўлиқ амалга оширилмаган.

Ўзбекистонда ўрта юз, яъни куз косаси суякларнинг ва орбитанинг травматик шикастланишларини нур ташхисотини амалга оширишда рентген ва МСКТ текшируви натижалари орқали самарали даволаш тизимини амалга оширишда илмий тадқиқот ишлари олиб борилган (Икромов А.И., 2008; Фазылов А.А., 2008). Бироқ, юз-жағ соҳаси суяклари локализациясига караб травматик шикасталанишининг нур ташхис ташхисоти ва даволаш тизимини оптимал тизими яратилмаган.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасининг 011400196 «Атроф-муҳит омилларини ҳисобга олиб асосий стоматологик касалликларининг эрта ташхисоти, даволаш ва профилактикаси усулларни ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш» грант

лойиҳаси доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** юз-жағ соҳаси суяклари синишларининг мультимодал нур ташхисини такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

юз-жағ соҳаси суяклари синиши структурасини ва қўлланиладиган нур текишируви усулларининг ҳолатини баҳолаш;

МСКТ маълумотлари билан солиштириш асосида юз-жағ соҳаси суяклари синган беморларни текширишнинг базавий методи сифатида рентгенографиянинг ва сонографиянинг ташхислаш самарадорлигини баҳолаш;

репозиция самарадорлиги ва синишлар битишини баҳолашда сонографиянинг ўрнини баҳолаш;

турли локализацияга эга юз-жағ суяклари жароҳатларида нур текширув усулларини қўллаш алгоритмининг такомиллаштиришдан иборат.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 2011-2014 йилларда Тошкент тиббиёт академияси ва 2015-2017 йилларда Тошкент давлат стоматология институтининг юз-жағ жароҳлик бўлимида юз-жағ соҳаси суяклари травматик жароҳатланишига гумон бўлган 190 нафар бемор ва назорат гуруҳининг 20 нафар соғлом шахс ташкил қилган.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида юз-жағ жароҳатлари соҳаси жароҳатларни нур ташхислашда беморларнинг рентгенография, компьютер томография ва ультратовушли ташхислаш материаллари олинган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот вазифаларини ҳал этиш мақсадида рентгенологик, ультратовушли, компьютер-томографик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

синишнинг анатомик локализациясига қараб юз-жағ соҳаси суяклари жароҳатларида рентгенографияга қўшимча равишда сонография асосида жароҳатланган суяклар синиши бирламчи ташхислашнинг тактик жиҳати асосланган;

синган бўлақларнинг репозицияси сонографик ташхисот асосида бажарилиши даволаш муолажаларини яхшилаш ва жароҳатларни сифатли битишини таъминлашга асосланган;

суяк бўлақлари битишини ва суяк қадоғи ҳосил бўлишини мониторинг қилишда қайтадан сонографик ташхислаш пациентнинг ортикча рентген нуруланишини олдини олиш механизмига асосланган;

юз-жағ соҳаси суяклари травматик жароҳатларини локализациясига боғлиқ равишда нур ташхислаш усулларини уйғун қўллаш касалликни диагностикасини оширишга асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

турли локализациядаги юз-жағ соҳаси суяклари жароҳатларига эга булган беморларнинг бирламчи ташхиси такомиллаштирилган алгоритми, рентгенологик, сонографик ва компьютер-томографик текширувларни ҳисобга олган ҳолда, текширувнинг диагностик комплексини

оптималлаштириш ва даволаш тактикасини танлаш имконини берган;

текширув пайтида оғизни очиш ва ёпиш харакати билан бажариладиган функционал синамали сонография методикаси ёрдамида пастки жағ синишлари ташхислаш яхшилаш тизими яратилган;

суяк бўлаклари репозицияси муолажаси вақтида сонографияни қўллаш репозициянинг назоратли адекватлигига эришиш ва даволашнинг натижаларини яхшилаш имконини берган;

таклиф этилган методлар нур ташхиси учун энг оқилона ёндашишни танлашда ёрдам бериб, у қисқа муддат ичида синиш структураси ва оғирлик даражасини аниқ белгилаш, жароҳатлар асоратларини минималлаштириш, реабилитация муддатларини қисқартириш ва беморларнинг ҳаёт сифатини ошириш имконини берган;

сонография усулидан синишларнинг бирламчи ташхисида, суяк битиши мониторинги ва суяк қадоғи ҳосил булишини назорат қилишда фойдаланиш имконияти рентгенография ва компьютер томографияга кўрсатмаларни чеклаб, беморга нур юкломани камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот ишида замонавий усул ва ёндашувларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотларнинг олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, беморлар сонининг етарлилиги, рентгенологик, ультратовушли ва компьютер-томографик ва статистик усуллари асосланганлиги, маълумотларга статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ҳамда маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган ҳулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланган. Статистик усулларнинг қўлланилиши олинган натижаларнинг ишончлилигини таъминлаган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган натижалар радиология, жарроҳлик стоматологиянинг замонавий ютуқларига, хусусан юз-жағ суяклари жароҳатларини бирламчи ташхисотида рентгенографияга қўшимча равишда сонографиядан фойдаланиш ҳисобига юз-жағ соҳаси суяклари жароҳатларини нур ташхисига сезиларли даражада ҳисса қўшмоқда, бу МПР билан МСКТ маълумотлари асосида тасдиқланган. Илмий аҳамият, сонография назорати остида суяк бўлаклари репозициясини бажариш суяк синишларини даволаш натижаларини яхшилаши, синишлар битиши ва суяк қадоғи ҳосил булишида сонографик текширувдан рентгенологик текширувга муқобил вариант сифатида фойдаланиш мумкин. Текширув пайтида оғизни очиш ва ёпиш харакати билан бажариладиган функционал синамали сонография методикасини жорий этиш пастки жағнинг яширин синишларини аниқлаш имконини берганлиги изоҳланади.

Тадқиқот натижалари амалий аҳамияти ишлаб чиқилган диагностик алгоритм юз-жағ соҳаси суяклари жароҳатлари ташхиси самарадорлигини оширади ва шу боис жарроҳлик стоматологияда даволаш усулини танлашни

оптималлаштиришга ёрдам беради. Сонографиядан суякларнинг бирламчи ташхисида ва репозиция муолажаларида, шунингдек суяк бўлаklarининг битиши динамикасини мониторинг қилишда фойдаланиш беморга нур юкламани сезиларли даражада камайтириш имконини берганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** юз-жағ соҳаси суяклари травматик шикастланишининг нур ташхислаш тартибини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

«Юз-жағ соҳаси суякларининг синишида нур ташхисоти» услубий қўлланмаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 22 октябрдаги 8н-р/285-сон маълумотномаси). Мазкур услубий қўлланма юз-жағ соҳаси суякларининг синишида нур ташхисоти орқали суякларнинг синишини тўғри тактик жиҳатдан ташхислаш ва даволаш сифатини ошириш ҳамда касалликнинг асоратларни олдини олиш имконини берган;

юз-жағ соҳаси суякларининг жароҳатларни нур ташхислашни яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш тизимида, жумладан, Тошкент тиббиёт академиясининг 3-клиникаси ҳамда Фарғона вилоят стоматологик касалхонаси жарроҳлик стоматология бўлимларининг клиник амалиётга тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2018 йил 19 ноябрдаги 8н-р/244-сон маълумотномаси). Олинган илмий натижаларнинг амалиётга жорий қилиниши жароҳатларнинг комплексли нурли ташхисида сонографиядан фойдаланган ҳолда олинган натижалар ташхис ва беморга нур юкламасини ва иқтисодий харажатларни камайтириш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологияларни ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий

қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Юз-жағ соҳаси суяклари синишлари нур ташхиси ҳолати**» деб номланган биринчи боби адабиёт шарҳига бағишланган, олтига кичик боблардан иборат бўлиб, уларда юз-жағ соҳаси суяклари жароҳатларида нур ташхис усуллари тўғрисида кўп сонли адабиёт маълумотлари таҳлил қилинган. Адабиёт шарҳида қўлланиладиган ҳар бир нур текшируви усулининг, жумладан, алоҳида рентгенография, сонография ва мультиспирал компьютер томография усулларининг афзаликлари ва камчиликларига, шунингдек уларни юз суяклар ташхисида комплексида қўллашга урғу берилди. Шунингдек, юз-жағ соҳаси турли локализациядаги суякларнинг жароҳатларида сонографиянинг кенг қўлланилиши тўғрисида ноаниқликлар кўрсатилади. Юз-жағ соҳаси суяклари травматик жароҳатлари ташхисининг мезонларини такомиллаштириш ва замонавий нур ташхис технологияларидан мультимодал фойдаланишни оптималлаштириш бўйича илмий изланишлар мақсадга мувофиқ эканлиги тўғрисида хулоса қилинади. Бобни таҳлил қилинган материални умумлаштирувчи хулоса яқунлайди.

Диссертациянинг «**Клиник материалнинг умумий тавсифи ва тадқиқот усуллари**» деб номланувчи иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифи бўйича маълумотлар, шунингдек фойдаланилган текширув методлари тўғрисида ахборот келтирилган. 6 ёшдан 59 ёшгача юз-жағ соҳаси жароҳатлари билан 190 нафар бемор 2011 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда Тошкент давлат стоматология институтида комплексли нур текширувидан ўтказилди. Текширилган беморларнинг 163 нафарини эркаклар ташкил қилди. Юз-жағ суяклари синишлари 190 нафар текширилган беморлардан 180 тасида, жумладан, 57 тасида яқка, 116 тасида кўп сонли ва 7 тасида қўш ЮЖС суяклари жароҳатлари борлиги тасдиқланди. Барча жароҳатлар орасида пастки жағ ва ёноқ-орбита комплекси синишлари кўп учраган.

Фойдаланилган комплексли нур текшируви протоколи доирасида қуйидаги визуализация модалликлари ишлатилди: рентгенография, икки ўлчамли серошқал сонография, мультиспирал компьютер томография. Юз-жағ соҳаси рентгенографияси эҳтимолдаги жароҳат соҳасига мувофиқ холда махсус проекцияларда бажарилган (ёноқ суяклари рентгенографияси яримаксил проекцияда, бурун суяклари рентгенографияси ён томон проекцияда, паски жағ рентгенографияси тўғри ва ён томон проекцияларда ва ортопантомографияси текшируви). Сонография текшируви синишларни биламчи ташхисида, муолажа вақтида суяк бўлақларини репозициясини кузатувида, шунингдек ўтказилган репозициядан сўнг мониторинг ва назорат қилиш учун қулланилган. Тадқиқотлар бемор тепага қараб (чалқанча) ётган ҳолатида, SLE-501 (Литва) аппаратида, 7,5 МГц частотали чизиқли датчик билан бўйланма ва кўндаланг кесимларни олиш билан полипозицион холда бажарилган. Пастки жағ жароҳатларига гумон бўлган 38 нафар беморларда,

статик сонографиянинг манфий маълумотларида оғизни очиш ва ёпиш билан функционал сонография ўтказилди. Мультиспирал компьютер томография (МСКТ) спирал режимида “Somatom Emotion 6” (Siemens, Германия) аппаратида бажарилди. Ишлаш жараёнида мультипланар реконструкция (MPR), яъни саггитал, фронтал, шунингдек қия проекциялардаги тавсирларга баҳо беришлар амалга оширилди. Сканерлаш параметрлари қуйидагича бўлди: найчадаги ток кучи – 20 мА, найчадаги кучланиш – 130 кV, найча ротацияси тезлиги – 1,0 с, питч – 0,85, кесим қалинлиги – 1,25мм.

КТ-сканлар таҳлилида, аксиал кесимлар билан бир қаторда реконструкцияланган мультипланар ва ҳажмли тасвирлар ишлатилди. Сонографияда қуйидаги анатомик тузилмалар: тери, тери ости ёғ клетчаткаси, чайнов мушаклари, суякларнинг – орбитанинг латерал, медиал деворлари ва пастки контури, бурун суяклари, юқори жағ синуси олд ва ташқи деворлари, ёноқ ёйи ва пастки жағнинг кортикал қавати бутунлиги баҳоланди. Бир вақтнинг ўзида аниқланган патологик ўзгаришларни солиштириш учун соғлом томоннинг сонографик текшируви ўтказилди. Ушбу тузилмалар ҳам МСКТ ёрдамида баҳоланди. МСКТдан юз-жағ соҳаси жароҳатларида сонография ва рентгенография усуллариининг диагностик самарадорлигини баҳолашда референс-усул сифатида фойдаланиш асослаб берилди.

ЮЖС суяклари ёпиқ синишлари булган 20 нафар беморларда ультратовушли мониторинг репозиция вақтида кулланилган. Синган бўлакларининг бир-бирига нотўғри нисбати корректсиз репозиция сифатида баҳоланди ва операция сонография маълумотларига кўра адекватли ва стабил репозицияга эришгунга қадар давом этилган.

Сонография текшуруви пастки жағи синган 57 нафар беморда шиннаш муолажасидан кегин эрта даврда репозициянинг туғри бажарилганлигини баҳолаш, бўлаклар нотўғри туриш сабабларини аниқлаш, муолажадан кегин турли муддатларида синишлар битишини назорат қилиш учун қайта бажарилган.

Назорат гуруҳини 20 нафар соғлом шахс ташкил қилди, уларга ЮЖС сонографияси ўтказилди. Будан ташқари, назорат сифтида симметрик жароҳатланмаган суяк тузилмалари хизмат қилди.

Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш Pentium – IV персонал компютерида Microsoft Office Excel – 2012 дастур пакети ёрдамида статистик қайта ишлаш функцияларини қўллаган ҳолда амалга оширилди.


Диссертациянинг «**Юз-жағ соҳаси суяклари жароҳатларида рентгенография**» деб номланган учинчи боби рентгенологик усул ёрдамида олинган натижаларини шарҳи ва таҳлилига бағишланган, учта кичик боблардан иборат бўлиб, уларда юз-жағ соҳаси турли локализациясидаги суяклари синишларининг рентгенологик ташхиси ёритилган.

Рентгенография юз-жағ соҳаси суяклари синишларига гумон бўлган 190 та беморда ўтказилди, улардан 180 (94,7±1,6%) тасида МСКТ текшируви ёрдамида синишлар борлиги тасдиқланди. Рентгенологик текширувда синиш

белгилари 151 та ( $79,5 \pm 2,9\%$ ) беморда аниқланди. 50 та ( $33,1 \pm 3,8\%$ ) беморда улар якка, яъни битта анатомик соҳанинг якка синиши билан чекланган, 88 та ( $58,2 \pm 4,0\%$ ) беморда юзнинг битта анатомик соҳаси доирасида кўплаб, 13 та ( $8,3 \pm 2,3\%$ ) беморда биргаликда келган, яъни юзнинг бир неча соҳасини қамраб олган ҳолда кўп сонли синишлар аниқланган. Рентгенограммада аниқланадиган суяк бўлақларининг диастази ёки силжиши натижасида пайдо бўладиган синиш чизиғи, суяк контурининг узилиши, суяк бўлақларининг силжиши, кортикал қатлами нуқсони, шунингдек суяк фрагментининг мавжудлиги каби бевосита рентгенологик белгилар бўйича юз-жағ соҳаси суяқларининг 405 ( $71,4 \pm 1,9\%$ ) та синиши аниқланди, билвосита белгилар бўйича 60 ( $10,6 \pm 1,3\%$ ) та синишларга гумон қилинди. Рентгенография текшируви орбитанинг латерал ( $83,5\%$ ) ва пастки девори ( $78,4\%$ ) синишларини аниқлашда нисбатан юқори сезувчанликни кўрсатди, лекин рентгенологик текширувнинг ахборотлилиги яримаксил ва тўғри проекцияларда юзнинг ўрта соҳаси суяк тузилмаларининг бири-бирига сояланиши сабабли яққол кўринмайдиган медиал девори синишларини аниқлашда чекланган эканлиги аниқланди. Юқори жағ бўшлиқларнинг сояланиши, орбита ҳажми ошиши, суяк контури деформацияси, бўғим ўсиғи бошчаси контури пайдо бўлиши, тери ости клетчатка эмфиземаси каби билвосита белгилар 32 ( $66,7 \pm 6,8\%$ ) та беморда орбитанинг медиал девори синиши мавжуд эканлигига гумон қилиш имконини берди, лекин кейинги тадқиқотлар давомида фақат 25 ( $52,1\%$ ) нафар беморда ўз исботини топди. Олинган сохта-ижобий натижа билан изоҳланадики, ушбу беморларда орбитанинг медиал девори синиши натижаси сифатида баҳоланган ғалвирсимон бўшлиқ сояланиши посттравматик этмоидит учун специфик ҳисобланмайди ва ғалвирсимон бўшлиқнинг бошқа патологияларида ҳам кузатилиши мумкин. Ёноқ суяғи олд ва ўрта учлиги, бурун суяқлари синишларида рентгенографик текширувининг сезувчанлиги мувофиқ равишда 96% дан 100% гача эканлиги аниқланди. Ёноқ суяғи орқа учлиги синишини аниқлашда рентгенологик текширувининг паст сезувчанлиги ( $32\%$ ) ва мураккаблиги, шунингдек сохта-ижобий натижаларнинг кўп қайд қилиниши ( $21,5\%$ ) рентгенологик тасвирнинг хосил бўлишида суммацион таъсир ва суяқларнинг бири-бирига сояланиши билан изоҳланади.

Юқори жағ бўшлиқлари деворларининг синишларини рентгенологик текшируви бевосита белгилари фақат унинг латерал девори синишлардагина аниқланган бўлиб, 81 та бемордан 22 тасида қайд қилинган ва текширувининг сезувчанлиги 27,1% ни ташкил қилган. Синус пневматизациясининг пасайиши, тери ости эмфиземаси мавжудлиги кўринишдаги билвосита белгилар юқори жағ бўшлиғи деворидан бирининг синиши мавжудлиги ҳақида билвосита далолат бериб, қўшимча равишда олд деворнинг 25 та синишини ва латерал деворининг 8 та синишини аниқлаш ва рентгенографиянинг сезувчанлигини 67,9% гача ошириш имконини берди. Таъкидлаб ўтиш лозимки, агар тер ости эмфиземаси мавжудлиги ҳар доим юқори жағ бўшлиғи деворлари синишлари мавжудлиги ҳақида далолат берса,

бўшлиқнинг сояланиши юқори жағ бўшлиғи деворларининг травматик жароҳати учун қатъий хос белги бўлиб ҳисобланмайди ва сохта-ижобий натижаларнинг сабаби бўлиши мумкин. Юз ўрта соҳасининг ретгенологик ва компютер томографик тасвири 1-расмда келтирилган.




1-расм. А. Бемор Ш.нинг яримаксиал проекциядаги рентгенограммаси. Гаймор бўшлиғи деворларининг синиши бевосита рентгенологик белгилари аниқланмаган, чап юқори жағ бўшлиғи пневматизацияси пасайган. Б. Беморнинг КТ-текшируви чап гаймор бўшлиғи олдинги девори синиб, бўлақларнинг силжиганлигини аниқлаган. Чап гаймор бўшлиғида патологик суюқлик.

Пастки жағ танаси, бурчаги ва шохи синишларининг барча ҳолатларда аниқланган бўлиб, рентгенологик текшируви учун қийинчилик туғдирмади, пастки жағ шохи ва бурчагининг учта нотўлиқ синишлари бундан мустасно. Рентгенографиянинг симфиз (78,9%), тож (66,7%), бўғим (86,5%) ўсиқлари синишларини аниқлашда сезувчанлиги етарли даражада юқори бўлмади. Рентгенологик текширувда ушбу локализациянинг 15,5% синишлари аниқланмади. Сохта-салбий натижаларининг сабаби суяк тузилмаларининг бир-бирига сояланиши ҳисобланиб, бу эса симфиз соҳаси, чакка-пастки жағ бўғими, бўғим ва тож ўсиқларининг визуализациясини қийинлаштиради.

Диссертациянинг «**Юз-жағ соҳаси суяклари жароҳатларида сонография**» деб номланган тўртинчи боби учта кичик боблардан иборат бўлиб, турли локализацияга эга юз-жағ соҳаси суяклари синишларининг сонографик ташхисида олинган натижалар шарҳи ва таҳлилига бағишланган. Сонография юз-жағ суяклари синишларига гумон қилинган 190 нафар бемордан 186 нафаридан ўтказилди. 186 нафаридан 176 (91,4±2,1%) нафаридан юз-жағ соҳаси суяклари синишларининг сонографик белгилари аниқланди. 52 (29,6±3,4%) та беморларда улар яқка, яъни битта анатомик соҳасининг ягона синиши билан, 111 (63,1±3,6%) нафаридан юзнинг битта анатомик соҳаси доирасида кўп сонли синишлар, 13 (7,3±1,9%) нафаридан эса кўш синишлар, яъни юзнинг бир неча соҳасини қамраб кўп сонли синишлар билан ифодаланган. МСКТ ёрдамида аниқланган 567 нафар синишлардан

сонографик жиҳатдан бевосита белгилар бўйича 483 нафар синиш, ва билвосита белгилар бўйича 48 нафар синиш аниқланди. Бевосита сонографик белгилар жумласига силжишсиз ёки силжишли кортикал қаватнинг узилиши, суяк фрагментларининг мавжудлиги, чакка-пастки жағ бўғимининг бўғим тиркиши кенгайиши, «бўш бўғим чуқурчаси» белгилари тааллуқли бўлган. Бевосита белгилардан ташқари сонографик билвосита белгилар кузатилиб, кўз косаси деворларининг синишида, яъни орбитанинг медиал ва пастки деворлари товуш ўтказувчанлигининг ошиши кўринишда намоён бўлган (2–расм).



2-расм Беморнинг ўнг (А) ва чап (Б) орбиталарининг сонограммаси. 1 – кўз олмалари; 2 – чап орбитанинг пастки девори, эхогенлик сақланган; 3- чап орбитанинг пастки девори бутунгили бузилганлиги ва ўтказувчанлигининг ошиши сабабли эхогенлиги пасайган.



3-расм. Ўтказилган КТ текшируви беморнинг ўнг орбита пастки деворининг синганлигини ва орбита клетчаткасининг гаймор бўшлиғи томон силжиганлигини аниқлади

Сонография сезувчанлиги орбитанинг медиал, латерал деворларининг синишларини аниқлашда рентгенографиянинг сезувчанлигидан сезиларли

даражада юқорилигини яъни 52,1% ва 88,5% ларга нисбатан 89,6% ва 92,3% ларни кўрсатди.

Таъкидлаб ўтиш лозимки, медиал деворининг топографик-анатомик хусусиятлари боис унинг визуализациялаш мураккаблиги, шунингдек фойдаланилган датчикнинг катта юзаси боис уни қизиқтираётган соҳа билан тўлиқ контактига эришиш имкони йўқлиги сабабли сонографик текширувининг ҳеч бир ҳолатда медиал девори синишининг бевосита белгилар аниқланмади. Шунингдек орбита туби синишларини аниқлашда ҳам сонография рентгенографияга қараганда юқори сезувчанликни, мувофиқ равишда 78,4% га нисбатан 94,1% ни кўрсатди.

Сонография ёноқ ёйининг олд, ўрта ва орқа учлиги синишларини аниқлашда юқори сезувчанлик ва ўзига хослигини кўрсатиб, 96% дан 100% гача ташкил қилди. Шунингдек сонографиянинг афзаллиги деб юмшоқ тўқималарнинг травматик ўзгаришларини визуализациялаш имкони ҳисобланиб, улар жағ ёйи синишларида  $90 \pm 6,71\%$  гача кузатилган.

Сонография бурун синишларини ташхислашда рентгенография сезувчанлигидан орқада қолиб, 3 та сохта-ижобий ва 7 та сохта-салбий натижаларини аниқлади, бунинг натижасида диагностик аниқлилик 94,9% ни ташкил қилди. Бизнинг маълумотларимизга кўра, сонография юқори жағ бўшлиғи деворлари синишларини аниқлашда юқори сезувчанлик, ўзига хослик ва диагностик аниқлиликни кўрсатди. Юқори жағ бўшлиғини олд девори синишларининг сонографик ташхиси сезувчанлиги 92,8% ни ташкил қилиб, 59,5% бўлган рентгенография сезувчанлигидан анчагина ошиб кетди. Юқори жағ бўшлиғининг орқа-ён деворлари синишларининг сонографик ташхиси сезувчанлиги 87,1% ни ташкил қилди.

Сонографияда пастки жағ симфизи синишларини аниқлаш даражаси 100% ни ташкил қилиб, рентгенографиядан (78,9%) юқори кўрсаткични, бўғим ва тож ўсиғи юқори синишларида ҳам рентгенографияга қараганда юқори сезувчанликни кўрсатиб, мувофиқ равишда 86,5% га нисбатан 94,2% ни белгилади. Айрим ҳолатларда сонографиянинг сохта-салбий натижалари сабабларига юмшоқ-тўқималарининг шиши, юмшоқ тўқималар қалинлашиши ва гематоманинг мавжудлиги қизиқтираётган соҳасининг визуализацияси ноаниқлиги киради. Сонографиянинг тож (7 та) ва бўғим (3 та) ўсиқлари синишлар мавжудлиги тўғрисида сохта-ижобий натижалари ёноқ ёйининг суяк фрагментлари сояланиши билан изоҳланади.

Диссертациянинг «**Сонография юз-жағ соҳаси синишлари даволашнинг мониторинги**» деб номланган бешинчи бобида суяк бўлаклари репозицияси муолажаси вақтида сонографик назорати тўғрисида ва суяк бўлаклари битишининг сонографик мониторинги тўғрисида маълумотлар тақдим қилинган.

Сонографияни суяк бўлаклари репозицияси ўтказиш вақтида назорат методи сифатида қўллаш алоҳида аҳамиятни касб этади. Сонография методи назоратидан юз-жағ соҳаси суякларининг ёпиқ синишлари билан 20 нафар беморда, хусусан, пастки жағ синишлари билан 11 нафар беморда, ёноқ ёйи

синишлари билан 7 нафар беморда, бурун суяклари синишлари билан 2 нафар беморда репозиция вақтида фойдаланилган. Ультратовуш текшируви назорати остида бажарилган репозиция пастки жағ синишлари билан 14 нафар беморда қониқарли натижаларга эришиш имконини берди. Ёноқ ёйи синишлари билан учта беморда биринчи репозициядан сўнг сонография суяк бўлакларининг қониқарсиз жойлашганини кўрсатди, ва репозиция керакли натижаларни олгунга қадар сонография назорати такрорланган.

Ультратовуш текшируви 57 нафар беморда репозициядан кейинги эрта даврда суяк бўлаклари - жағ суяклари (18 нафар беморда), бурун суяклари (2 та) ўтказилган репозициясидан ва паски жағни (37) шиналашдан сўнг 2-3 кунда такроран бажарилди. Пастки жағ синишлари билан 18 та беморда сонография суяк бўлаклари битиши жараёнини баҳолаш учун шиналашдан сўнг 1-,2-,4-,6-ҳафтадан кейин такроран ўтказилди.

Пастки жағ шиналаш жараёнидан сўнг суяк бўлакларининг жойлашиши 25 та ҳолатда қониқарли бўлган. Суяк бўлаклари орасида диастаз 5 мм дан катталиги, 12 нафар беморда қониқарсиз ўтказилган репозиция, шу жумладан 4 нафар беморда қониқарсиз ўтказилган остеосинтез такрорий репозиция талаб қилинган. 9 та ҳолатда қониқарсиз бирламчи репозициянинг сабаби суяк бўлақлар орасида юмшоқ тўқималарнинг интерпозицияси ҳисобланади, 3 та ҳолатда эса суяк учлари ўртасида тўлиқ контактга эриша олинмаганлиги аниқланди.

Қайта тиклаш фазасида сонограммаларда пай тўқимасининг ҳосил бўлиши синиш соҳасида пайдо бўладиган суст гиперэхоген тузилмаси кўринишда намоён бўлиб, унинг ҳосил бўлиши натижасида синиш чизиғи аниқ визуализацияланмади. Синиш соҳасида гиперэхоген соҳалар кўринишда оҳакланиш мавжудлиги суяк қадоғи минераллаштирилган бўлиб қолишининг аниқ белгиси ҳисобланиб, бу учинчи фазада намоён бўлган.

Диссертациянинг «**Турли локализацияга эга юз-жағ соҳаси суяклари синишларида нур ташхислаш методларини қўллаш учун кўрсатмалар**» деб номланган олтинчи бобида турли локализацияга эга юз-жағ соҳаси суяклари синишларида рентгенография ва ультратовушли тадқиқот маълумотларини солиштириш асосида сонография ёрдамида нафақат рентгенографиянинг натижаларини тўлдирувчи ахборот олиш имкони, балки бирламчи рентгенологик текширувида аниқланмаган синишларни аниқлаш имкони кўрсатилган.

1-жадвал

Орбита деворини травматик жароҳатланишини аниқлашда рентгенографик ва сонографик кўрсаткичлар ( $M \pm m$ )

Кўрсаткичлар	Рентгенография	Сонография	P
Орбитанинг медиал девори	52,1±7,2	89,6±4,4	<0,001
Орбитанинг латерал девори	76,9±6,3	96,1±3,3	<0,01
Орбитанинг туби	78,4±5,7	93,7±5,2	<0,05

Рентгенографияда қийин аниқланадиган орбитанинг медиал девори синишлари ташхисини ультратовушли текширув ёрдамида яхшилаш имкони белгиланди, рентгенографияга қўшимча равишда сонография синишларни аниқланишини 52,1%дан 89,6%гача оширди ( $P < 0,001$ ). Рентгенографиянинг кўз косаси медиал девори синишларини аниқлашда паст сезувчанлиги сабабига топограф-анатомик хусусиятлар ва синиш гумон қилинадаганда билвосита белгиларнинг ўзига хос эмаслиги, бевосита визуализация қилиш имкони йўқлиги ахамиятга эга. Сонография орбитанинг латерал девори ва туби синишларини аниқлашда рентгенографияга қараганда сезувчанроқ бўлиб, мувофиқ равишда 83,5% га нисбатан 92,3% ни ва 78,4% га нисбатан 94,1% ни кўрсата олди ( $P < 0,05$ ).

Ёноқ ёйи синишларида рентгенография ва сонография олд ва ўрта учлиги синишларда нисбатан ўхшаш сезувчанлик ва спецификлик кўрсаткиларини бердилар, лекин ёноқ ёйининг орқа учлиги синишларида сонография рентгенографиянинг сезувчанлигидан анчагина ошиб кетиб, 32% га нисбатан 98% ни кўрсата олди ( $P < 0,01$ ). Рентгенографиянинг орқа учлиги синишларни аниқлашда паст сезувчанлиги полуаксил проекцияда тасвирларни олишда бошқа суяк тузилмаларининг бир-бирига сояланиши билан изоҳланади, сонографик текширувда эса датчикнинг қизиқтираётган соҳа билан бевосита контакти рентгенографияда кузатиладиган суммацион эффектисиз синиш соҳасини визуализациялаш имконини беради.

Бурун суяклари синишида сонография сонографиянинг сезувчанлиги ва спецификлиги рентгенографияга қараганда мувофиқ равишда 98,6% ва 100% га нисбатан 90,4% ва 86,7% га пастроқ бўлганлиги ( $P < 0,05$ ) сабабли рентгенография маълумотларини тўлдирмади. Сонография текширувида кузатилган сохта-ижобий натижалари сабаби ультратовуш датчикнинг юзаси каттароқ бўлганлиги ва текшириляётган соҳа билан тўлиқ контактга эришилмаганлиги билан боғлиқ.

Юқори жағ бўшлиқлари деворлари синишлари ташхисида сонография самаралироқ бўлиб, сезувчанлик ва спецификлиги кўрсаткичлари мувофиқ равишда 90,1% ва 97,9% ни, рентгенографиянинг кўрсаткичлари эса – 67,9% ва 92,5% ташкил қилди ( $P < 0,05$ ). Рентгенографиянинг паст сезувчанлиги рентгенограммаларда юқори жағ бўшлиғи олд деворини визуализациялаш қийин бўлганлиги билан боғлиқ.

Рентгенография пастки жағ танаси, парасимфизи, бурчаги ва шохи синишларини аниқлашда сонографиядан қолмайдиган юқори сезувчанликни кўрсата олди, бу эса синиш соҳасини бевосита текшириш имкони ва рентген суратини олишда суммацион соялар мавжуд бўлмаслиги билан изоҳланган. Симфиз синиши, бўғим ўсиги ва унинг бошчаси, тож ўсиги юқори синишлари ташхисида сонография рентгенографияга қараганда юқорироқ сезувчанликни кўрсатди.

Шундай қилиб, ўтказилган текширувлар натижалари юз-жағ соҳаси суяклари жароҳатларининг нур ташхисини оптималлаштириш ва рационаллаштириш имконини кўрсата олди. Рентгенографияга қўшимча

равишда ультрасонографияни қўллаш жароҳатлар ташхисини сезиларли даражада яхшилайти ҳамда организм учун бефарқ бўлмаган ва ҳар доим ҳам мавжуд бўлмаган компьютер томографияга кўрсатмаларни чеклайди. Бирок, ультратовушли текширувнинг юқори сезувчанлигига қарамай, у синишнинг топографик-анатомик хусусиятлари тўғрисида тўлиқ ахборот бермайди, чунки сонографияда кўриш кенглиги ультратовушли дарча билан чекланган. Шунинг учун юз-жағ соҳаси суяклари синишларига гумон булганда биринчи танлаш методи бўлиб кенгроқ кўриш ахборотини берувчи рентгенография қолиши керак. Суяк бўлаклари репозицияси ёки остеосинтез муолажаси ва натижаларини назорат қилишда, синишларни битишини мониторингида сонографик текширув афзалроқ.

Компьютер томографияни тавсия қилишга ёндашув персонлаштирилган бўлиши керак. Компьютер томография оғир, кўш жароҳатли беморларни текширишда, бош суяк асоси синганига гумон бўлганида, жарроҳлик аралашувига кўрсатмалар белгиланганда гоёт зарур.

Ниҳоят, сонография ҳар доим суяк бўлаклари репозицияси бўйича муолажаларга ҳамкорлик қилиши ва уларни назорат қилиши, шунингдек синишлар битиши мониторингни амалга ошириши керак.

## ХУЛОСАЛАР

«Юз-жағ соҳаси суяклари травматик шикастланишнинг нур ташхиси» мавзусидаги тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқот натижаларида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ихтисослаштирилган юз-жағ жарроҳлиги бўлимлари амалиётида юз-жағ соҳаси суяклари синишига гумон бўлганида визуализациялашнинг томографик методларидан фойдаланмасдан асосан стандарт рентгенографияни қўллаш билан чекланадилар, бу эса ноилож сохта-салбий ва сохта-ижобий натижалар билан кечади, гарчи уларга ультратовушли текширув ва компьютер томография каби визуализациянинг бошқа томографик методларидан фойдаланиш имкони бўлганида йўл қўймаслик мумкин.

2. Рентгенологик метод бурун, пастки жағ танаси ва шохи синишларини 88,5% дан 100% гача юқори аниқлиқ билан ташхислаш имконини берди, лекин юқори жағ бўшлиғи деворлари, кўз косаси, ёноқ-орбитал комплекси ва пастки жағ бўғим бошчаси синишларида етарлича даражада самарасиз бўлиб, бунда рентгенографиянинг диагностик аниқлиғи 32% дан 66,7% гача ташкил қилди.

3. Сонография юқори жағ бўшлиғи деворлари, кўз косаси ва ёноқ-орбитал комплекси синишларини аниқлашда рентгенографияга қараганда кўпроқ сезувчанликка эга. Сонографиянинг юқори жағ бўшлиғининг олд девори синишларини аниқлашда сезувчанлиги 92,8% ни, рентгенография эса 59,5% ни ташкил қилди, тегишли равишда кўз косасининг медиал девори

синишлари 89,5% ва 52,1%, ёноқ ёйининг орқа учлиги синишлари 96% ва 32%.

4. Суяк бўлаклари репозицияси муолажаси вақтида юз-жағ соҳаси суяклари сонографиясидан фойдаланиш репозиция адекватлигига ва репозиция натижалари яхшиланишига эришиш имконини беради.

5. Юз-жағ соҳаси суяклари сонографияси синишлар битишини назорат қилишнинг ахборот берувчи усул ҳисобланади, бу айниқса усулнинг ноинвазивлиги, зарарсизлиги ва кенг оммабоплигини ҳисобга олиб жуда муҳимдир.

6. Рентгенографияга қўшимча равишда ультратовушли текширув ҳар доим ҳам фойдаланиш имкони бўлмаган компьютер томографияни қўллаш учун кўрсатмаларни чеклаш имкони беради. Шу билан бирга, юзнинг ўрта соҳасининг кўп сонли ва қўш синишларида ультратовуш текшируви билан рентгенография комплексини қўлаш ушбу беморларда жароҳатлар тўғрисида тўлароқ ахборот олиш имконини ва даволаш тактикасини белгилаб берувчи компьютер томография ўрнини боса олмайди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04.12.2018.Tib.77.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ  
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ  
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ ОНКОЛОГИИ И РАДИОЛОГИИ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**АКРАМОВА НОЗИМА АКРАМОВНА**

**ЛУЧЕВАЯ ДИАГНОСТИКА ТРАВМАТИЧЕСКИХ ПОВРЕЖДЕНИЙ  
КОСТЕЙ ЧЕЛЮСТНО-ЛИЦЕВОЙ ОБЛАСТИ**

**14.00.19 – Клиническая радиология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (Phd)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2019**

**Тема диссертации (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №B2017.3.PhD/Tib359**

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном стоматологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.cancercenter.uz](http://www.cancercenter.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)).

<b>Научный руководитель</b>	<b>Ходжибеков Марат Худайкулович</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Икрамов Адхам Ильхамович</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Амануллаев Рустам Азимжанович</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Ведущая организация</b>	<b>Самаркандский государственный медицинский институт</b>

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного Совета DSc. 04.12.2018.Tib.77.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре онкологии и радиологии (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Фараби, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96; e-mail: info@ronc.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического медицинского центра онкологии и радиологии (зарегистрирована за № \_\_). Адрес: 100174, г. Ташкент, ул. Фараби, 383. Тел.: (+99871) 227-13-27; факс: (+99871) 246-15-96.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2019 года.  
(Реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от \_\_\_\_\_ 2019 года).

**М.Н.Тилляшайхов,**  
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, профессор

**А.А.Адилходжаев,**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, доцент

**А.Н.Абдихакимов**  
Заместитель председателя научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней,  
доктор медицинских наук, доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** На сегодняшней день в мире возрастает травматизм в результате различных повреждений. Повреждения челюстно-лицевой области (ЧЛО) занимают одно из ведущих мест в структуре современных травм, с тенденцией к неуклонному росту. По данным ряда авторов «наибольший процент переломов костей ЧЛО приходится на лица молодого трудоспособного возраста с преобладанием мужского населения (76.5-85.7%). Клиническое обследование пострадавших с сочетанными повреждениями лицевого скелета и структур орбиты позволяет составить лишь ориентировочное представление о характере и объеме повреждений костей»<sup>1</sup>. Отсюда становится понятной важность этапа лучевой диагностики у этих пациентов с использованием рентгенографии, сонографии и компьютерной томографии. Задачей этапа лучевой диагностики является «уточнение или верификация клинического диагноза, определение прогноза заболевания, помощь в разработке оптимальной тактики лечения»<sup>2</sup>. Несмотря на возможность мультиспиральной компьютерной томографии с мультипланарной реконструкцией в детальной оценке костных структур и мягких тканей, и, сочетанных травм, ограниченная ее доступность и относительно высокая доза облучения не всегда позволяют использовать МСКТ в динамическом контроле. Мультиспиральная компьютерная томография (МСКТ) является «золотым стандартом» и методом выбора при травматических повреждениях ЧЛО, особенно при поражениях средней зоны лица. Для диагностики патологических процессов в области головы и шеи применяется ультрасонография, но при травматических повреждениях этот метод в основном рекомендован для выявления патологических изменений мягких тканей. Несмотря на отдельные сообщения об успешном использовании сонографии в диагностике переломов костей средней и нижней зон лица, включая орбиты, скуловые дуги и кости носа, потенциал этого неинвазивного, доступного метода с возможностями неоднократного использования в реальном времени, при травмах ЧЛО используется недостаточно.

В зарубежной и отечественной литературе встречаются отдельные публикации, посвященные вопросам совершенствования комплексной лучевой диагностике травматических повреждений ЧЛО. В настоящий период в мире продолжаются исследования по улучшению диагностики и результатов лечения травм костей ЧЛО, в том числе: сравнительный анализ уровня информативности рентгенологического, сонографического и томографического методов исследования в первичной диагностике, а также роль сонографии в мониторинге адекватности проведения репозиции костных отломков во время процедуры а также в различные сроки после проведенной репозиции для контроля сращения костных отломков.

---

<sup>1</sup> Дубровин Д.М.Н., Копецкий Д.М.Н., Полунин В.С. Медико-социальная характеристика больных с повреждениями челюстно-лицевой области. Вестник Росздрава. 2013. № 2. С. 46-48.

<sup>2</sup> Cabalag MS, Wasiak J, Andrew NE, Tang J1, Kirby JC1, Morgan DJ. Epidemiology and management of maxillo-facial fractures in an Australian trauma centre. J. Plast Reconstr Aesthet Surg. 2013 Oct. 26.

В нашей стране с целью развития медицинской системы до мирового уровня поставлены ряд задач<sup>3</sup> к которым относятся вопросы повышения её эффективности, качества и доступности лучевых методов первичной диагностики переломов костей челюстно-лицевой области, разработки стандартов как диагностики так и лечения, эффективных моделей диспансерной и патронажной службы, уменьшение осложнений переломов костей ЧЛЮ. Решение этих задач позволят внедрить в практику современных методов диагностики и лечения больных с переломами костей челюстно-лицевой области, подымет на новый уровень качество медицинской помощи, позволит уменьшить инвалидность и осложнения от этого заболевания.

